АҲОЛИ ЗИЧ МИНТАҚАЛАРДА БАНДЛИК МУАММОСИ

А.Ҳатамов

В статье освещены проблемы использования сельских трудовых ресурсов Андижанской области, показаны пути решения этого вопроса с помощью развития малого бизнеса.

The article is devoted to the problems of using country Labour resources of Andijon region and shown the ways of solving those problems by the help of increasing entrepreneurship.

Маълумотларга кўра, 2008 йил 1 январига Ўзбекистон аҳолисининг сони 27072,2 минг кишини, Андижон вилояти аҳолисининг сони эса 2513,1 минг кишини ташкил этган. Мос ҳолда ушбу аҳолининг 63.9 ва 70.6 фоизи қишлоқларда яшайди. Қишлоқ аҳолиси сонининг ўсиши ҳам шаҳар аҳолисининг ўсишига нисбатан анча юқори бўлиб қолмоқда. Шу боис Республикамизнинг Андижон вилояти сингари аҳоли зич минтақаларида қишлоқ аҳолисининг бандлиги муаммоси долзарблик касб этади. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар аҳолининг маълум қисмини ортиқча ишчи кучига айлантирмоқда. Шу билан бирга, мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзда тутилган асосий мақсад халқ хўжалиги тармоқлари ҳамда аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабларини янада тўлароқ қондириш билан бирга, соҳанинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини талаб даражасига кўтариш, қишлоқда мавжуд ишчи кучидан самарали фойдаланиш ва пировард натижада қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш ҳамда уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришдан ҳам иборатдир.

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига нисбатан қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари анча паст. Бунинг асосий сабабларидан бири соҳада ортиқча ишчи кучининг мавжудлигидир. Демак, самарадорликни ошириш ва меҳнат унумдорлигини юқори даражага кўтариш йўлларидан бири соҳадаги ортиқча ишчи кучини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қайта тақсимлашдир. Республика ва унинг вилоятларида, шу жумладан, Андижон вилоятида ҳам бу ишни амалга ошириш мавжуд жамоа хўжаликларини ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларига айлантиришдан бошланган эди. Бу тадбирлар натижасида ишлаб чиқаришдан бир неча ўн минглаб ишчи кучи қисқартирилди ва бу нарса меҳнат бозоридаги вазиятнинг кескинлашишига олиб келди. Бундай вазиятни юмшатишнинг асосий йўлларидан бири кичик бизнес тараққиёти учун кенг йўл очиб бериш бўлди.

Республика Президенти 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби» номли маърузасида: «…қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали биз авваламбор иш ўринларига талаб доимо катта бўлган аҳоли зич минтақаларда аҳолини, аввало, ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш имкониятига эга бўламиз»,- деб алоҳида таъкидлаган эди [2].

2008 йил мобайнида юртимизда 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида 374 мингта, касаначилик ҳисобидан 97,8 мингта иш ўрни яратилди [1,25]. Республиканинг барча минтақаларида бўлгани каби, Андижон вилоятида ҳам кичик бизнес корхоналарини кўпайтириш, уларни мустаҳкамлаш чораларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Вилоят бўйича 2008 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг сони 31972 тани ташкил этиб, рўйхатга олинган корхоналар умумий сонинг 89.6 фоизини ташкил қилди [5,7]. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 17.2 фоизга ортган, уларнинг 2978 таси кичик корхоналар, 28994 таси эса микрофирмалардир [4,17].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни 2008 йилда ривожлантириш вилоят Дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли қарорига асосан вилоятда 6401 та янги кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинди. 2008 йилда вилоят бўйича ҳар минг кишига фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 12.5 тага тўғри келди [5,31].

Кичик бизнес субъектларини ривожлантириш натижасида 38193 та янги юридик шахс мақомидаги ишчи ўринлари яратилиб, уларнинг 26735 таси ёки 70,0 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келди. Жами ишлаётганлардан 35,0 минг киши кичик бизнес субъектларида фаолият олиб боришмоқда. Лекин вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам кичик бизнес субъектларининг жойлашиши бир хилда эмас [4,6]. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин:

Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш

№	Шаҳарлар ва туманлар номи	Жами рўйхатдан ўтган КБ субъектлари сони		Жами фаолият кўрсата-ётган КБ субъектлари сони		Янги ташкил этилган КБ субъектлари сони	
		1.01.2007	1.01.2008	1.01.2007	1.01.2008	1.01.2007	1.01.2008
ЖАМИ:		27272	31972	25143	30052	10118	6401
1	Андижон шаҳри	4712	4771	4047	4313	764	738
2	Асака шаҳри	465	478	433	450	60	76
3	Хонобод шаҳри	156	190	142	183	27	46
4	Андижон тумани	2248	2667	2098	2509	1381	430
5	Асака тумани	2066	2229	1921	2036	1052	221
6	Балиқчи тумани	2078	2410	1909	2264	912	340
7	Булоқбоши тумани	983	1278	917	1209	545	328
8	Бўз тумани	896	934	857	912	286	112
9	Жалақудуқ тумани	1443	1887	1376	1782	696	498
10	Избоскан тумани	977	1340	916	1295	486	444
11	Қўрғонтепа тумани	1973	2459	1843	2331	840	542
12	Улуғнор тумани	1167	1293	1095	1224	124	226
13	Марҳамат тумани	1716	2266	1592	2152	633	596
14	Олтинкўл тумани	1449	1847	1301	1720	481	463
15	Пахтаобод тумани	1600	1797	1557	1754	561	199
16	Хўжаобод тумани	1487	1883	1424	1804	822	414
17	Шаҳрихон тумани	1856	2243	1715	2114	448	728

Меҳнат ресурсларининг, айниқса, қишлоқ меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигини таъминлаш, янги ишчи ўринлари барпо этиш масалаларини ҳал этишда, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги соҳасидан бўшатилаётган ишчи кучининг ёш, жинсий, малакавий маълумоти, сафарбарлик даражаси, бошқа соҳаларда ишлашга бўлган иштиёқи ва ҳоказо таркибини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки таркибнинг ўрганилиши қишлоқ хўжалиги соҳасидан бўшатилган ишчи кучини иқтисодиётнинг қайси соҳаларига кўпроқ жалб этиш, қишлоқда саноатнинг қайси тармоқларини ривожлантириш мумкинлиги, қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида маълум бир соҳани ривожлантириш учун қандай имкониятлар мавжудлиги, янги ишчи ўринларида самарали меҳнат қилиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқара оладиган малакали ишчи ходимларни қандай тайёрлаш кераклиги ҳақидаги саволларга жавоб топиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидан бўшаётган ишчи кучларини иқтисодиётнинг саноат ва қурилиш каби икки тармоғи ўртасида қайта тақсимлаш уларнинг даромадларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги соҳасида ортиқча

меҳнат ресурслари вилоятдаги саноат ва қурилишга ихтисослашган кичик корхоналар талабларига жавоб берадиган малакага эга, уларни шу корхоналарга тақсимланса, иш ҳақи сифатида оладиган даромадлари ҳам 3,5-4,0 баробар ошиши мумкин.

Вилоят меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш учун қуйидаги тадбирларга эътиборни кучайтириш керак деб ҳисоблаймиз:

- ислоҳотлар туфайли "ортиқча" бўлиб қолаётган қишлоқ меҳнат ресурсларини бошқа тармоқларга, биринчи навбатда, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтириш;
- деҳқон-фермер хўжаликларини йириклаштириш;
- қишлоқларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тармоқларини, кичик цехларни барпо этиш;
- аёллар меҳнатини кўп талаб қилувчи ва маҳаллий хом ашё асосида ишловчи миллий-бадиий, уй-рўзғор, жумладан, тикувчилик, каштачилик, касаначилик буюмларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- йирик қишлоқлар, кичик ва ўрта шаҳарларда кўп меҳнат талаб қилувчи саноатнинг илғор тармоқларини барпо этиш;
- инфратузилма тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини кенгайтириш;
- барпо этиш кўзда тутилаётган замонавий корхоналар учун кадрлар тайёрлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш;
- маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари тайёрлашни, кичик қурилиш ва таъмирлаш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш;
- қонуний асосда шартномалар тузган ҳолда меҳнат ресурсларини маълум муддатга хорижий мамлакатларда ишлаб келишга юборишни ташкил этиш ва бошқалар.

Кичик бизнесни ривожлантириш, ички талабни рағбатлантириш, аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражаси ва даромадларининг ўсишини таъминлашга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга кенг кўламда татбиқ этиш келгусида барқарор ривожланишнинг муҳим омили бўлади [3].

Бундай тадбирларни кўриш эса минтақада бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар ечимини топишга, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишга, минтақа иқтисодиётини жадалроқ юксалтиришга ёрдам бериши шубҳасиз.

Адабиётлар:

1. Karimov I.A. Jahon moliyaviy – iqtisodiy inqirozi, O’zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo’llari va choralari –T.: O’zbekiston, 2009.
2. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби». И.А Каримовниг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси / Region. UZ.- 2009.- 19 февраль
3. Ўзбекистон Республикасини 2009 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида / Халқ сўзи.- 2009.- 30 апрель
4. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2008 / Статистический сборник.- Т.,2008
5. Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана. 2008 / Статистический сборник.- Т., 2008

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти,
2009 йил 20 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Қаюмлв)